

АЛИШЕР НАВОЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИДАГИ ЎЗ ДАВРИДА ЭСКИРГАН БИРЛИКЛАР

Дилноза АБДУВАЛИЕВА – ф.ф.б.ф.д. [PhD]

dilnoza6681@mail.ru

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий тарихий асарлари (“Тарихи мулуки Ажам” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”) лексикасида кўлланган архаизм-лексема, архаизм-семема ҳамда грамматик архаизмлар атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: лексика, терминология, янгилик бўёғи, эскилиқ бўёғи, архаизм, архаизм-лексема, архаизм-семема, грамматик архаизм, қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек адабий тили.

Аннотация

В статье представлен детальный анализ лексемы архаизма, архаизмы-семемы и grammatical archaism, использованных в лексиконе исторических произведений Алишера Навои (“Тарихи мулуки Ажам” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”).

Ключевые слова: лексика, терминология, новизна, старомодность, архаизм, архаизм-лексема, архаизм-семема, grammatical archaism, древнетюркский язык, староузбекский язык, староузбекский литературный язык.

Annotation

The article presents a detailed analysis of the lexeme of archaism, archaism-semema and grammatical archaism used in the lexicon of historical works of Alisher Navoi (“Tarihi muluki Ajam” and “Tarihi anbiyo va hukamo”).

Key words: vocabulary, terminology, novelty, old-fashioned, archaism, archaism-lexeme, archaism-semema, grammatical archaism, Old Turkic language, Old Uzbek language, Old Uzbek literary language.

Тил, айниқса, унинг луғат бойлиги доим ўсиш-ўзгаришда. Бундай ўсиш-ўзгариш тез ва узил-кесил содир бўлмайди. Шу сабабли замонийлиги жиҳатидан ҳар хил бирликлар ёнма-ён яшаб туради. Луғат бойлигига замонийлиги жиҳатидан икки асосий қатlam мавжуд: замонавий қатlam ва замондош қатlam [12, 100].

Замонавий қатlamга маълум бир давр тил амалиётида одатдаги деб қаралувчи лексемалар киритилади. Бу қатlamдаги лексемалар на янгилик ва на эскилик бўёғига эга бўлмайди. Лексемаларнинг кўпчилиги ҳам шундай [12, 100].

Замонавий қатlamга мансуб деб белгилашда лексеманинг якка шахслар нутқидаги мавқеи эмас, балки умумтилдаги мавқеи асосга олинади.

Лексемани замонавий қатlamга киритишда уларнинг нутқидаги ишлатилиш миқдори ҳам асосга олинмайди. Нутқда кўп ишлатиладиган лексема, одатда, замонавий қатlamга мансуб бўлади.

Замонавий қатlamга киритилувчи лексема шу тил эгаларининг барча аъзоларига таниш бўлиши ҳам, барчанинг тилида ишлатилиши ҳам шарт эмас. Ҳар бир соҳанинг терминологияси, одатда, шу соҳанинг вакилигина таниш бўлади, бошқаларга бу терминларни билиш зарурияти бўлмайди; умумнутқда бундай терминлар ишлатilmайди. Шунга қарамай терминлар замонавий қатlamга киритилаверади.

Замонавий қатlamга киритиладиган лексема бир асосий талабга жавоб бериши керак: на янгилик ва на эскилик бўёғи бўлиши лозим.

Кўринадики, лексемаларнинг замонийлигини актив-пассив қатlamлар деб номлаш ва тавсифлаш тўғри бўлмайди. Актив-пассивлик луғат бойлигига бошқа жиҳатдан – миқдорий ёндашиш бўлиб, луғат бойлигини бундай ўрганиш, албатта, муҳим назарий ва амалий хуносаларга олиб келади.

Янгилик ёки эскилик бўёғи бор лексемалар луғат бойлигининг замондош қатламини ташкил қиласиди. Бундай қатlam тилнинг ҳар бир

тараққиёт босқичида мавжуд бўлади, зотан, луғат бойлиги доим ўсиб-ўзгариб туради. Шу сабабли луғат бойлигига замондош қатлам ҳам яшайди.

Замондош қатламда ўзаро бири иккинчисининг акси бўлган ҳодисалар мавжуд: янгилик бўёғи бор лексемалар, эскилик бўёғи бор лексемалар. [12,101]

Биз қуида Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асарлар лексикасидаги ўз даврига кўра эскилик бўёғи бор лексемалар хусусида фикр юритамиз.

Эскилик бўёғи бор тил бирлиги архаизм (юононча *arshaios* – “қадимги”) дейилиши маълум. Лексемалардаги турига лексик архаизм дейилади [12,101].

Лексеманинг эски бўлиши бошқа-ю, эскилик бўёғига эга бўлиши бошқа. Архаизм у истеъмолда бўлган давр тилининг луғатига хос бўлиб, бошқа луғавий бирликлардан эскилик бўёғи борлиги билан фарқланиб туради.

Истеъмолдан умуман чиқиб кетган, тил тараққиётининг ўтмиш босқичига мансуб бўлган лексик бирликларни бугунги кун нуқтаи назаридан архаизм деб баҳолаш мумкин эмас. Булар ўтмишнинг лексик бирликлари бўлиб, архаизм ёки архаизм эмаслиги тил тараққиётининг ўша босқичига кўра белгиланади.

Ахаизмнинг пайдо бўлиш сабабини изоҳлаш қўпинча қийин бўлади. Архаизм асли лексик бирликнинг бирор жиҳати эскириб, ўз ўрнини бошқа лексик бирликка бўшата бориши натижасида пайдо бўлади. Бу жараён турли-туман сабаблар билан воқе бўлади. Архаизм, умуман, синонимияга асосланади, шунга кўра ахаизмнинг пайдо бўлишини изоҳлашда синонимик муносабатдаги лексик бирликларнинг ҳолатига, тараққиётига суюниш лозим. Бунда, асосан, қуидаги сабаблар кўрсатилади:

- 1) Синонимлар нутқда бир хил ишлатилмаслиги туфайли улардан баъзилари архаизмга айланади: авваллари кўп ёки бошқалари билан teng қўлланган лексик бирлик ўз синоним(лар)ига қараганда нутқда оз ишлатилиб,

архаик тус олади. Масалан, Навоийнинг тарихий асарлари “Тарихи анбиёва хукамо” [11] ва “Тарихи мулуки Ажам” [12] луғат таркибида “қүёш” маъносини ифода этиш учун *quyaš* [12, 729b11] – *günäš* [11, 711a1] – *künäs* [12, 737a14] – *mehr* [12, 736a29] синонимларидан фойдаланилган. Ушбу маънодошлиқ қаторини ҳосил қилувчи лексемаларнинг қўлланиш частотасига эътибор қаратилса, ҳар икки асар лексикасида уйғур-қарлук, қипчоқ шеваларига хос *quyaš* 6 марта, унинг ўғузча фонетик варианти *günäš* 5 марта, *künäs* варианти эса 1 марта, арабча *mehr* сўзи 2 марта “қүёш” маъносида қўлланишда бўлганини кўриш мумкин. Эски ўзбек адабий тили даврига келиб қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол қўлланишда бўлган *künäs* [11, 327] лексемаси архаиклаша бошлаган.

- 2) Полисемем лексеманинг ўз синоними бор семаси, бир томондан, шундай синонимнинг мавжудлиги таъсирида, иккинчи томондан, шу полисемем лексеманинг бошқа семаси таъсирида ўз ўрнини бўшата боради. Натижада, бундай семанинг ҳам, синонимнинг ҳам тилдаги мавқеи ўзгаради. Масалан, *jarīma* лексемасида “тавон олиш” [АНАТИЛ, I, 566] маъноси устун бўла бориши билан бу лексеманинг “гуноҳ” маъноси архаиклаша борган: *Raáyaya xirojnī artturdi va sipáhiyya juzviy jarīma ücün qatlnī lázim tutti* [12, 740a27]. Тарихий асарлар матнида муаррих “гуноҳ” маъносини ифодалаш учун *ayb* [11, 720a21] – *gunáh* [12, 740a25] – *yazuγ* [11, 717b29] – *xatá* [12, 737a4] каби лексемалардан унумли фойдаланган.

Юқоридаги ҳолатлар архаизмнинг пайдо бўлишини чуқур изоҳлаб бермайди. Архаизмнинг пайдо бўлишидаги асл сабабларни аниқлаш мураккаб изланишлар олиб боришни талаб қиласди. Зоро, архаизмнинг юзага келиши тилда содир бўлиб турадиган ҳодиса ва лексемаларга хос семантик тараққиёт, ўзгаришлар билан боғлиқ. Бундай жараённи, бир томондан, тил тараққиётининг фақат ҳозирги босқичи билан чегараланган ҳолда ўрганиб бўлмайди; иккинчидан, архаизмга олиб келадиган ҳар бир жараён ҳар гал индивидуал ёндашишни талаб қиласди [12, 107].

Маълумки, лексик архаизм ўз моҳиятига кўра архаизм-лексема, архаизм-семема каби гурухларга бўлинади [12, 104]. Алишер Навоий тарихий асарларида истеъмолда бўлган архаик қатламга кирувчи бирликларни шу асосда таҳлил қиласиз.

Архаизм-лексемалар. Архаизм-лексемада лексема яхлитлигича эскирган бўлади. Тарихий асарлар матнида “худо, яратувчи, тангри” маъноси туркйча *teŋri* [12, 729b 24], арабча *iláh* [11, 713b7] – *xáliq* [11, 718b29] – *haq(q)* [11, 719a15] – *alláh* [11, 706b24], форсча-тожикча *xudáy* [12, 742b21] – *yazdán* [11, 719a13] – *parvardigár* [11, 708b13] каби лексемалар ёрдамида ифодаланган. Тўққиз сўздан иборат ушбу маънодошлиқ қаторидаги *yazdán* архаизм-лексемасидан муаллиф услубий восита сифатида фойдаланади: *Har kimni xalás qilsa eldin yazdán, Ne taŋ aŋa umrī abadiy bolsa nihán* [11, 719a13]. Кузатишлар тарихий асарлар сўз бойлигида ушбу маънодошлиқ уясига тегишли *yazdán* лексемасининг энг каммаҳсул (1 марта), *haq(q)* лексемасининг эса энг фаол (91 марта) қўлланганлигини кўрсатди.

Асарлар матнида “чўл, дашт, биёбон, сахро” маъноси қуйидаги сўзлар орқали ифода этилади: *biyábán*: ... *anīj sipáhi Jálut vahmidin biyábánda isiý havá šiddatidin mutafarriq bolub, üč yüz on kiši bilä Jálutqa yetišdi* [11, 719b17]; *bádiya*: ... *ta haq taálá ul qavmnī qırq yil ul bádiyada azáb bilä halák qildi* [11, 717a4]; *dašt*: *Va Yunus a.s. tifl erdi, neča kundin soŋra yana tay-u dašt azimati qıldi* [11, 719a3]; *sahrá*: *Baytul-muqaddasníj sahrási ustüja kelib, boşlarin yalon qilib tazarru' qıldilar* [11, 721a1]; *yazı*: *Va sekizinči balá ul erdikim, yazı vuhuš va sibáini haq taálá alaryा musallat qıldikim, azáb qıldilar* [11, 716a10]. Кузатишлар шуни кўрсатдиги, қадимги туркий тилда “чўл, сахро, текис ер” семасида қўлланишда бўлган асли туркйча *yazı* [ДТС, 251] лексемаси форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган ўзлашма лексемаларнинг эски ўзбек адабий тилига сингиб, фаоллашиб кетиши натижасида архаик тус ола бошлаган.

Маълумки, ўзлашма сўзларга, бир томондан, халқаро алоқалар натижаси, иккинчи томондан эса, тилни бузиш манбаи тарзида муносабатда бўлинган. Муайян минтақадаги қўшничилик, савдо-сотик, дипломатик алоқалар ва ҳ.к. тарихий алоқалар у ёки бу тилда ўзлашмаларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Ўзлашмалардан холи бўлган бирон бир тилни топиш амри маҳол [11, 28].

“Шаҳар, қишлоқ, турар жой” [12, II, 108] маъноси асарлар матнида сўғдча *kent* ҳамда арабча *šahr* ўзлашмалари ёрдамида англашилган. Юқоридаги семема асарлар сўз бойлигида, асосан, *šahr* (89 ўринда) лексемаси воситасида ифодаланган. *Kent* сўзи эса нисбатан каммаҳсул бўлиб, 9 марта қўлланган. Бу эса қадимги туркий тил ҳамда эски туркий тилда фаол истеъмолда бўлган *kent* лексемасининг эски ўзбек адабий тили даврига келиб бирмунча архаик тус олганини кўрсатади.

Қадимги туркий тилда “эр, эркак” маъносида фаол истеъмолда бўлган туркийча *erän* [11, 176] сўзи ушбу тарихий асарларда “эркак жинси, аёлнинг зидди” маъносида қўлланган: ...*yüz qız va oyul-barışın barçasıya eränlär libası kiydürülgän árasta qilib* ... [11, 721b26]; *Yana bir nečä kün Humáy aldi mulk, Eränlär borib içigä qaldı mulk* [12, 732b22]. Бу даврга келиб ушбу лексемада эскилик бўёғи сезилиб қолди. “Тарихи мулукки Ажам”да “эркаклар, эрлар” маъноси арабча *zukur* ўзлашмаси орқали ифодаланган: *Va inásni zukurdin ayirdi va durj içindä dedikim, yaqutü násuftadur* [11, 722a4].

Қадимги туркий тил ва эски туркий тилда “сув тўпланадиган жой, гирдоб маъносида қўлланган туркийча *egrím* [11, 166]” лексемаси астасекинлик билан ўз ўрнини форсча-тожикча *girdáb* ўзлашмасига бўшатиб бера бошлиди: *Samud qavmını fasád va makáni egrimidä yarqa qilyan yergä yetib, suv tiläb ičkändin soyra hamul girdábqa ciòmdi* [11, 707b24].

“Фойда, баҳра, нафъ” маъноси асрлар матнида *asîy – maslahat – naf – sud – fâyda* маънодошлари ёрдамида ифодаланган: *Kişigä bolsa kökkä čiqmoq fan, Ne asîy körsä áqibat madfan* [12, 729b3]; *Áqil uldurkim, bu qisqa umrnî bir*

nimägä sarf qilyaykim, zarurat roqdur, ya'ni áxirat maslahati va teýri taálá rizásı [11, 728b6]; *Ilyás a.s. čun alarya ücräb dedikim, ey nádán qavm, bu jamádlardın heč naf* va *zarar yoqdur* [11, 718b28]; *Va Málík bu savdádin masrur erdikim, Misrda anij bahásidın sud mutasavvar erdi* [11, 711a11]; *Čun fáydasi yoq erdi* [12, 738b17]. Бу ўринда муаллиф юксак бадији маҳоратини ишга солади ва туркийча *acis* архаизм-лексемасидан нутққа кўтаринки, назокатли рух бериш учун фойдаланади, лексема услубий восита сифатида яшайди. Ўз ўрнида бу сўз эски ўзбек адабий тили даврига келиб арабча ва форсча-тожикча маънодошлари таъсирида эскилик бўёғига йўғрилади.

“Гувоҳлик” маъноси туркийча *taniyluq* [11, 532] ҳамда арабча *šahádat* сўzlари ёрдамида очилади: *Va Zulayhá ul jamáat bilä Yusuf a.s.nij pákligiga tonuyluq berib va aziz infiáldin Zulayháni taláq qildi* [11, 709b21]; ...*on oyluq iläyiñdä šahid bolsalar, sojra özüj šahádat tapib, teýri taálá tavbañni qabul qilyay* [11, 720a14].

Қадимги туркий тилда “сўрамоқ, тиламоқ, истамоқ” маъноларида фаол қўлланишда бўлган *qolmoq* [11, 454] архаизм-лексемаси [12, 50] асарлар сўз бойлигига *istamoq, tilamoq* каби туркийча феъллар билан маънодошлик ҳосил қилган: *Va sözi tügägändin soj iymán arz qilib, Musá alayhissalámya uzr qoldi* [11, 716b3].

“Тарихи мулуки Ажам”да “тўрва, халта, қоп” маъноси туркийча *tobra* ҳамда арабча *xarita* лексемалари ёрдамида ифода этилган: *Va men ul taşnii alib tobraya saldim* [11, 720a3]; *Sáhirlär kelib, iki yilan xaritadin čiqardilarkim, iki uy boldilar* [11, 726b25]. Ушбу маъно Навоий асарларида қадимги туркий тил ва эски туркий тилда истеъмолда бўлган *sanač* [12, 24] сўзи орқали ҳам ифодаланган, аммо бу сўз тарихий асарлар матнида кузатилмайди.

Ушбу асарда қадимги туркий тилда “тухфа, эҳсон” маъносига истеъмолда бўлган форсча-тожикча *baxšíš* [11, 89] ўзлашмаси “ҳадя, тухфа, инъом, эҳсон; муруват, карам, марҳамат” маъносига намоён бўлган: *Jabrail a.s. kelib, baxšíš başáratin keltürüb dedikim, Uryánij rizásin hásil qıl, teýri taálá*

karami bilä xud gunáhiñdin ötti [11, 720b17^18]. “Кўл” маъноси ҳар икки асар сўз бойлигига *ilik* – *qol* – *dast* – *yad* маънодошлиқ қаторидаги лексик бирликлар ёрдамида ифода этилган: ... *turunj kesärya ilikläridä bïčaqlar erdi* [11, 711a23]; *Čiqardî jahán mulkiđin vâyasz*, *Qolî kám naqdîđin máyasız* [12, 733b24]; ... *zor dast bilä Rustamni tutqay* [12, 732a11-12]; *Čun boldî bihišt sari ma'vâsi anij*, *Ne qaldî asá, ne yadî bayzâsi anij* [11, 717b14]. Туркийча *ilik* [11, 207] лексемаси синонимик қатордаги туркийча *qol*, форсча-тожикча *dast*, арабча “кўл” маъносидаги *yad* (ушбу сўз *yadî bayzâ* “оқ қўл, ялтироқ қўл” маъносида Мусо пайғамбарнинг қўлига нисбатан қўлланган) сўзларидан эскилик бўёғига эгалиги билан фарқланади.

“Қайтмоқ” маъноси туркийча *yanmaq* – *qaytmoq* феъл лексемаларида ўз ифодасини топган: ...*qaysarnij qizin qolub, Rumđin yandî* [12, 732b25]; *Šapur fath va nusrat bilä qaytti* [12, 735b22] Маънодошлиқ қаторидаги *yanmaq* [11, 231] лексемаси ўз маънодошидан архаик тусга эгалиги билан фарқланади. Ушбу бирликларнинг қўлланиш частотасига эътибор берилса, асарлар матнида *qaytmoq* 22 марта, *yanmaq* 8 марта ишлатилганига гувоҳ бўламиз.

“Нон” маъноси асарлар матнида беш ўринда форсча-тожикча *nán* ҳамда икки ўринда туркийча *ötmäk* архаик лексемаси билан ифода этилган: *Qalyanîya nán toyrab, itkä berdi ersä, halák boldî* [12, 735b1]; *Hájar andîn yaryučaq bilä un qilib, ötmak pišurdî* [11, 709a14]. “Кийим, уст-бош, либос” маъноси туркийча *ton*, арабча *libás* ҳамда *kisvat* ўзлашмалари орқали ифодаланган: ... *alardin bir paşmina ton va börk va bir asasi bor erdi* [11, 725a7]; *Va ul gáhlar özgä libás kiyib, anî tanimas eldin istifsár qilur erdi* [11, 720a20]; *Čun insán kisvatin ádamgä kiydürdilär* [11, 705a11]. Мазкур маънодошлар орасида *kisvat* ўзлашмаси ўзининг нисбатан эскирганлиги билан характерланади.

Қадимги туркий тилда “эчки боласи, улоқча” маъносида фаол истеъмолда бўлган, эски ўзбек адабий тили даврига келиб эскилик бўёғига кирган *oylay* лексемаси 3, матнида “қовурмок” маъносидаги *biryan qil-*

лексемаси билан синтагматик муносабатга киришади: *Fılhál bir semiz oyláyni biryan qılıb, Isháq a.s. qaşıya keltürdi* [11, 710a17]. Шунингдек, *biryan* сўзи *balıy* лексемаси билан “қовурилган балиқ” маъносини ҳосил қиласди: *Ammá máida nán va biryan balıy erdi* [11, 725b15].

“Сигир, хўқиз” маъноси туркийча *iy* лексемаси орқали ифодаланган: *Yusuf a.s. ayttíkim, semiz uylar, taza xaşalar toqluy va ziráatlıy yílya dalildür va aruy uylar bilä quruq xaşalar qahatlíqqa dal* [11, 711b13]. Шу ўринда *iy* сўзи ҳозирда айрим қипчоқ шеваларида “сигир” маъносини ифода этиш учун қўлланишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Архаизм лексик бирликлар ўзаро синонимик муносабати билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Архаизм синонимия билан боғлиқ бўлгани сабабли бир синонимик уяга мансуб бирликларнинг қиёсига асосланади, нутқда шу синонимлардан энг ўринлиси танлаб ишлатилади [12, 107].

Тарихий асарлар сўз бойлигига “емак, овқат, озик” маъноси ўз ва ўзлашган лексемалардан ташкил топган қуйидаги синонимик қатор компонентларида мужассамлашган: *qut* [11, 713a9] – *aşlıy* [11, 711b14] – *yegüllük* [11, 711b23] – *yemäk* [11, 725a8] – *taám* [11, 725b10] – *tu'ma* [11, 727b22] – *azuq* [11, 717a8] – *záf* [11, 717a10] – *máida* [11, 725b9] – *rizq* [11, 711b26]. Маънодошлиқ қаторидаги қадимги туркий тилга оид *qut* [ДТС, 471] лексемаси архаик тусга эгалиги билан ажралиб туради: *Va Rahima yá muzdurluq, yá gadáylıq qılıb, Ayyub a.s.ya qut keltürür erdi* [11, 713a9].

Uš юкламаси тарихан “мана”, “мана шу”, “мана бу”, “худди”, “худди шу”, “шундай” каби маъноларни ифодаловчи сўз сифатида мустақил равища ҳам қўлланган. Унинг мустақил сўз сифатида қўлланиши XIII-XIV асрларга оид ёдгорликлар тилига хос бўлиб, XV аср биринчи ярмида айрим асарларда учрайди [1, 146]. Зада ушбу архаик юклама *tunča* сўзи билан қўшма сўз ҳосил қиласди ва “мана шунча, ушбу қадар” семасини ифодалаган: *Ul jihatdin ba'zi mo'tabar kutubdän uştunča söz bilä ixtisár qılıldi* [11, 707a12].

Qayu сўроқ олмоши XIII-XIV асрларга оид ёдгорликлар тили учун характерли бўлиб, XV-XVI асрларда ҳам айрим асарларда қўлланганлиги маълум [1, 156]. Мазкур сўроқ олмоши 2, да икки ўринда “қайси” маъносида қўлланган: *Debankim qayu aldī mulk, Jahán anī ne yanjlīy etti nihán* [12, 742b25]. Ушбу маънони ифодалаш учун муаллиф, асосан, қайси сўзидан фойдаланган.

“Кўплаб, кўп-кўп” маъноси 3, матнида бир ўринда *čoq-čoq* лексемасида намоён бўлган: ...*barča xalq anīj bilä čiçqyandin sojra, şahrda zuafá dayi čoq-čoq matáflargä sayrya maşyul boldi* [11, 708b4]. Асосан, ўғуз гуруҳидаги туркий тилларда хос *čox* сўзи Навоий асарларида “кўп, мўл, талай” [12, III, 485] маъноларида қўлланишда бўлгани маълум. Ушбу лексема “катта; кўп; жуда” маъноларида ҳанузгача китобий услубда қўлланади. Тарихий асарлар сўз бойлигига бу маъно, асосан, *köp* лексемаси ёрдамида англашилган. “Юзлаб, кўплаб” маъноси эса *yüzär-yüzär* архаик лексемаси ёрдамида ифодаланган: ...*xalqdīn yüzär-yüzär kişi ayırıb buyurdikim, kentlär, hisárlar yasadilar* [11, 706a3].

1.3.2.Архаизм-семема. Маълумки, архаизм семемада лексема эмас, балки унинг семаларидан бири архаизм бўлади. Биз текшираётган тарихий асарлар лексикасида ҳам бир қанча архаик-маъноларни кузатиш мумкин: Масалан: туркийча *asra*= лексемасининг “сақламоқ, яширмоқ, эҳтиётламоқ” маъноси устун бўла бориши билан “тутқун қилмоқ, банд қилмоқ, қоровулламоқ” маъноси архаиклаша борган: *Har kimsäki pok esä dayädin, Teñri anī asrasun balädin* [11, 728a21]; *Bu hazayandin on yetti oylini bir hisarya salib, mahbus asrab qoymas erdi* [12, 741b2]. “Назорат қилмоқ, тутқун қилмоқ” маъноси, асосан, *band qil*= лексемаси билан англашилган.

Täŋri лексемаси қадимги туркий тилда 1) “осмон”; 2) “худо, тангри, илох”; 3) “диний, илохий, ғоят гўзал,ベンазир”; 4) “хукмдор, хўжайин” маъноларида қўлланган [11, 544], Навоий асарлари тилида, чунончи, унинг тарихий асарларида бу сўзниң “худо, тангри” [12, III, 180] маъноси кузатилади, холос: *Čun täŋri taálá amridin boyun tolyodi* [11, 705a14]. Сўзниң

семантик таркибидаги қолган маънолар эскирган ва улар ўз ва ўзлашган қатламга мансуб бошқа лексик бирликлар орқали ифодаланган.

Қадимги туркий тилда *kiši* сўзи 1) “инсон, инсонга хос”; 2) “хотин, рафиқа” маъноларида қўлланишда бўлган [11, 310]. Эски ўзбек адабий тили даврига келиб лексема “хотин, рафиқа” маъносини ифодаланмаган ва “шахс, инсон, одам, киши” маъносидагина истифода этилган [12, II, 121]: *Avval kišikim, náhaq qán qıldī Qábil erdi* [11, 705b1]. “Хотин, рафиқа” маъноси асарлар матнида арабча *zavja, mankuha, haram* ҳамда сўғдча *xátun* лексемаларида намоён бўлган: *Ittifáqá anīj zavjası bu darvázadın sayrya ázim erdi* [11, 708b5]; *Tafahhus qilyándın soñra bildikim, Uryánij mankuhasidür* [11, 720b5]; *Yana bir kün öz haramları bilä zist qılur erdi* [11, 720a26^27]; *Hamul zamán ul xátunni taláq qıldī, yana birävni nikáh qıldī* [11, 709b21].

Архаизмнинг ҳар икки тури лексик маънога асосланади. Архаизм-лексема моносемем лексеманинг эскириши натижасида, архаизм-семема эса полисемем лексемага хос семемалардан бирининг эскириши натижасида юзага келади. Ҳар икки турдаги архаизмнинг в оқеланиши тилнинг ўз тараққиёт йўли билан боғлиқ (архаизмга айланувчи лексик маънони ўз лексема ёки ўзлашган лексема англатишидан қатъи назар) [12, 104].

Иzlaniшлар, тарихий асарлар сўз бойлигига архаизм-семемага нисбатан архаизм-лексема миқдор жиҳатдан қўплигини қўрсатди.

1.3.3. Грамматик архаизмлар. Туркий тиллар тараққиётининг олдинги даврларида *-an* аффикси билан ҳосил бўлувчи қўплик шакллари ҳам қўлланган. Ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишибча, бу аффикс каммаҳсул бўлиб, унинг қўлланиши айрим сўзлар билангина чегараланган. Масалан, “Девону луготит турк” материалларига кўра, XI аср тилида бу аффикс билан *oýul* ва *er* сўзларидангина қўплик шакли ясалган [1, 77].

Эски ўзбек адабий тилига оид ёзма манбаларда ҳам *oýlan, erän* сўзлари қўлланган, лекин булар фақат бирлик маъносини ифодалаган. Бу сўзларнинг қўплигини ифодалаш учун *-lär* аффикси қўшилган. Хусусан, Навоий тарихий

асарларида тубандагидек ифодаланган: *Barča na ’vda Ardašerni öz oylanlaridin artuq tapdī* [12, 735a11]; ...*qız va oyul barışın barcasıya eränlär libası kiydürlülgän* ... [11, 721b26].

-*ban* //*-iban* равишдош ҳосил қилувчи қўшимча бўлиб, -*ib* равишдош аффиксига -*an* қўшилиши билан ҳосил бўлган қўшма аффиксдир. -*ban* //*-iban* аффиксли равишдош қадимги туркий ёдгорликлар тилига хос бўлиб, кейинчалик унинг кенг қўлланиши ўғуз гуруҳидаги туркий тилларда давом этган. Эски ўзбек адабий тилида бу равишдошнинг истеъмол доираси анча чегараланган бўлиб, шеърий асарлардагина қўлланган. Зода икки ўринда шеърий мисраларда қўлланади, холос: -*iban*: *Elgä qiliban haq yoliniñ isnadī, Azm etti ču umriñiñ mi ’adī* [11, 719b22]; -*ban*: *Üč miň yaşaban bu dayrni qildi maqar, Miň tunča ham olsa, qılıyuluqdur bu safar* [11, 723a9].

Ҳар қандай тилга хос фонетик-грамматик, лексик-семантик тизим ихтиёрий ва ғайриихтиёрий ўзгаришга учраши табиий. Ушбу қонуният ҳар бир даврнинг ижтимоий ҳолати таъсири натижаси нуқтаи назаридан Навоий асарлари тилининг лексик таркиби учун ҳам оиддир. Изланишлар улуғ мутафаккир асарларида воқеланган ва барча сўз туркумларига тааллуқли аксарият туркий сўзларнинг қадимги туркий тил давридан қўлланиб келаётганлигини тасдиқлади [12, 114-129]. Узоқ тарихий даврлар маҳсули бўлмиш, аниқроғи, Навоий асарларида ва ундан кейинги даврларда ҳам фаол қўлланишда бўлган соф туркий сўзлар тизими ўзига хос тил занжири ҳисобланади. Бу сўзлар турли даврларда, турфа адабий-тарихий асарларда мавжудлиги жиҳатидан тарихийдир. Бундай сўзлар илмий адабиётларда архаизмлар, яъни архисема [умумсема] деб аталади [11, 64].

Архисема ҳар қандай тил луғат таркиби учун хос бўлиб, универсал ҳамда ижтимоий аҳамиятига кўра энг муҳим лексик-семантик воситалар занжиридир. Навоий асарлари тилида асосий лугат фонди деб юритилувчи маълум турғун ядро – архисеманинг борлиги аниқ [11, 65].

Шунинг учун эски ўзбек адабий тили тарихида, жумладан, Навоий асарлари лексикасида асосий лугат фонди деб аталувчи лексик тизимнинг моҳияти, қўлланиш доираси, ҳажми ва чегарасини белгилаш тилшунослик, қолаверса, Навоий асарлари лексикасини ўрганиш учун ўта муҳимдир [11, 85-89].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Abdurahmonov G‘., Shukurov Sh., Mahmudov Q. O‘zbek tilining tarixiy grammatikasi. – Т.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, -Т. 2008. – B.146.;
2. Abduvaliyeva D. Алишер Навоий тарихий асарларида ижтимоий-сиёсий лексика. “Навоий – замон ва халқларни бирлаштирувчи буюк даҳо” мавзусидаги халқаро илмий-амалий форум. Қозогистон. 2021. –Б.135-141
3. Abduvaliyeva D. The Scale of Archaic Words in the Lexicon of Alisher Navoi’s Historical Works. International journal of multidisciplinary research and analysis ISSN(print): 2643-9840, ISSN(online): 2643-9875 Volume 04 Issue 01 January - **Kaliforniya**, 2021 DOI: 10.47191/ijmra/v4-i1-08, Impact Factor: 5.522, Page No.- 441-444
3. Abduvaliyeva D. Turkic lexemes in the historical works of Alisher Navoi. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) India DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00965.4, ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 3, March 2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492
4. Навоий куллиёти, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, Истанбул, № 4056 инвентарь рақамли қўлёzmанинг электрон микрофильми, Китоби тавориҳи мулук – Б. 729а-743б.;
5. Навоий куллиёти, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди, Истанбул, № 4056 инвентарь рақамли қўлёzmанинг электрон микрофильми, Китоби тавориҳи анбиё – Б. 705а-728б.;

6. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, I-IV. – Тошкент: Фан, 1983-1985. I – 1983, 646 б; II – 1983, 642 б; III – 1984, 622 б; IV – 1985, 636 б.
7. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 675 с.
8. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili.1. –T. Mumtoz so'z. 2010. – B.100.;
9. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Фан. –Т. 2007. –Б. 28.;
10. Рустамов А. Ўзбек адабий тилининг илк даврига бир назар. Низомий номли ТДПИ. Лингвистик тўплам. 113. –Т. 1973. –Б. 114-129.;
11. Ҳамидов З. Навоий асарлари тили лексикаси (умумистеъмолда бўлган фаол сўзлар хусусида)// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. III. –Т.2006. –Б. 85-89.;
12. Эгамова Ш. Д. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексик бирликлар. Фан ва технология. – Т. 2010. – Б. 50.